

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

Уруғчиликни ривожлантириш маркази

“Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК

**Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш
агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси

Қишлоқ хўжалиги вазирининг

биринчи ўринбосари



Ш.Тешаев

Ш.Тешаев

“ 15 ” “ июнь ” 2021 й

**ЭЛИТА УРУҒЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИДА ДАВЛАТ РЕЕСТРИГА
КИРИТИЛГАН ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ ЮҚОРИ АВЛОДЛИ
УРУҒЛИГИНИ ЕТИШТИРИШГА ОИД
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

ТОШКЕНТ-2021 йил

Ушбу услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ш.Тешаев, А.Шамсиев), Уруғчиликни ривожлантириш маркази (Ш.Мамажонов, Ш.Мамадиёров, Г.Сабилова, Б.Разоқов), “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК (С.Шерматов, Б.Гаипов) ҳамда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов, Ш.Козубаев) томонидан тайёрланган.

Мазкур услубий қўлланмада республикамиздаги элита уруғчилик хўжаликларида Давлат реестрига киритилган гўзанинг районлашган ва истиқболли навларининг юқори авлодли уруғликларни етиштириш ва кўпайтириш бўйича маълумотлар баён этилган.

Қўлланма Уруғчиликни ривожлантириш марказининг ходимлари ва мутахассислари, элита уруғчилик хўжалиklarининг раҳбар ва мутахассислари учун мўлжалланган.

Услубий қўлланма Уруғчиликни ривожлантириш маркази томонидан чоп этишга тавсия этилган (2021 йил ___ июндаги №___ –сонли баённома).

Муаллифлар:

Ш.Т.Мамадиёров – Уруғчиликни ривожлантириш маркази бўлим бошлиғи

Б.Р.Разоқов – Уруғчиликни ривожлантириш маркази мутахассиси

Тақризчилар:

А.Шамсиев - Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

Н.Исмаилов – Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси бўлим бошлиғи, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.

I боб. Умумий қоидалар

1. Давлат реестрига киритилган (районлашган) ғўза навлари бўйича элита уруғчилик хўжаликларининг асосий вазифалари: нав тупининг (навнинг типиклигини) характерли хусусиятларини, яхши, қимматли хўжалик белгиларини ва нав толасининг технологик хусусиятларини сақлаб қолишдан, навни янгилаш учун яроқли, сифатли экиш хусусиятларига эга бўлган (сара) элита уруғларини етказиб беришдан иборатдир.

2. Элита уруғчилик хўжаликларида ғўза навларининг (сара) элита уруғлари ихтисослаштирилган элита уруғчилик хўжаликлари ва ушбу қўлланманинг услубида кўрсатилгандек уруғликка экилган ғўзадан барқарор юқори ҳосил олишни таъминловчи хўжаликларда етиштирилади.

3. Ғўза навлари бўйича элита уруғчилик ишлари вилт билан зарарланмаган далаларда ўтказилиши лозим. Элита уруғчилик ишларига ихтисослаштирилган хўжаликларда биринчи навбатда қискартирилган ротацияли пахта-беда алмашлаб экишга ўтилиши таъминланади.

4. Элита уруғчилик хўжаликларининг пахта майдонларига ғўза навларини жойлаштириш ўрнатилган тартибда ҳар йили қайта кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

5. Ҳар бир элита уруғчилик хўжалиги фақат битта ғўза навининг оригинал уруғини етиштиради, навга хосликни таъминлашга қаратилган танловлар олиб боради. Ихтисослаштирилган хўжаликларда экилаётган ғўза навининг нотипик шаклларини кўпайтириш, шунингдек, навнинг хўжалик кўрсаткичларини яхшилаш ёки пасайтиришга қаратилган танловларни олиб бориши ман этилади.

Элита хўжалигида экиладиган ғўза навининг хусусиятлари 9-шаклда элита уруғчилик хўжалиги раҳбари ёки агрономи томонидан қайд этилади.

6. Элита ва унинг репродукция уруғлари ҳар бир минтақада навни янгилаш учун етарли бўлган миқдорда 5 йиллик схема бўйича тайёрланади:

Биринчи йили – махсус ажратилган элита уруғчилик хўжаликларида, элита (сара) уруғини етиштириш,

Иккинчи йили – биринчи репродукция уруғини етиштириш,

Учинчи йили – иккинчи репродукция уруғини етиштириш,

Тўртинчи йили – учинчи репродукция уруғини етиштириш,

Бешинчи йили – тўртинчи репродукция хўжаликларда техник пахта учун экилади.

7. Ғўза навларининг элита уруғларини “Навни ўзаро чатиштириш методи қўлламасдан авлод бўйича текшириб яқка танлаш” услубида уч йиллик схема бўйича қайта ишлаб чиқарилади. Бунда биринчи йилги уруғлик

кўчатзори, иккинчи йилги уруғлик кўчатзори ва уруғ кўпайтириш кўчатзори барпо этилади. Якка танлаш иккинчи йилги уруғлик кўчатзорида ўтказилади.

8. Элита уруғчилик хўжаликларида ишчилар сони кўчатзорлардаги оилалар сонини ва экилган майдонни ҳисобга олган ҳолда аниқланади: ҳар бир 8 – 10 гектар майдонга бир уруғчи мутахассис ажратилади.

Элита уруғчилик хўжаликларида иш ҳажмини оширишга ишчи ходимлар ва моддий техника билан етарли даражада таъминлангандан кейин йўл қўйилади.

9. Янги районлашган ғўза навининг элита уруғларини етиштириш учун якка танлаш усулида оилавий терим, кўпайтирилган уруғликлар уруғини дастлабки уруғ кўпайтирувчи элита уруғчилик хўжаликларидан олинади. Якка танлаш ва оилавий терим материаллари элита уруғчилик хўжалигига кўшимча етиштириш белгиланган нав бўйича ишлаётган элита уруғчилик хўжаликларидан бўлинади:

ишлаб чиқарувчи корхоналар ва туман ҳокимликларининг талабига асосан районлашган ғўза навларини уруғларини қайта ишлаб чиқарувчи элита уруғчилик хўжаликлари кўшимча ташкил этилган ҳолда бирламчи уруғлик материаллари ушбу нав билан иш юритувчи элита хўжаликларидан биринчи йилнинг ўзидаёқ тўлиқ схемада ишлашни таъминлайдиган миқдордаги барча кўчатзорлар учун уруғликларни етказиб беради. Етказиб бериладиган бирламчи уруғлик материаллари билан бирга оилалар бўйича лаборатория таҳлиллари (6 ва 9 шаклда) тақдим этилади;

районлашган навга нав муаллифи унинг таърифларини ва агротехникасига оид тавсиялар беради. Лаборатория таҳлиллари натижаси бўйича ва берилган навнинг элита материалларини дала шароитида чикитга чиқаришнинг ва танлашнинг (специфик) ўзига ҳос хусусиятларини аниқлайди. Навнинг изоҳига шу навнинг туп фото расми илова қилинади.

10. Элита уруғчилик хўжаликларининг уруғ кўпайтириш кўчатзорларидан ва биринчи репродукция экинларидан олинган уруғлар, нав ва экиш хоссалари бўйича Давлат стандарт талабларига тўла жавоб бериши керак.

1 §. Бирламчи материалларни экишга тайёрлаш.

11. Ҳар бир кўчатзор учун якка танлаш ва оилавий теримдан экишга ажратиб олинган уруғларнинг кўрсаткичлари ёзилган 1-шакл бўйича алоҳида экиш ведомости тузилади.

12. Элита материалларини навбатга ёзиш тартиби уларни қандай усулда экишга мўлжалланганига боғлиқдир:

биринчи йилги кўчатзорларга якка танлаш натижасида олинган уруғликни махсус мосламада ёки қўлда экиш учун сеяланинг юришига асосланган ҳолда оилаларни кўчатзорда жойлаштириш режаси тузилади;

қўлда экишда уруғлик қопчалар экиш ведомостига мос равишда гриянда шаклида жойлаштирилади;

ҳар бир янги грияндаларнинг бошланиши экиш ведомостига қайд қилинади. Уруғлик қопча грияндалари қопларга солиниб, уларга гриянда рақамлари ёзилган биркалар боғланади;

иккинчи йилги уруғлик кўчатзорини трактор сеялалари ёрдамида ёки қўлда экиш мумкин. Аммо уруғ кўпайтириш кўчатзори фақат сеялкада экилади.

13. Экиш олдида уруғлар зарарсизлантирилади. Дориланмаган уруғларни экиш ман этилади.

2 §. Далани экишга тайёрлаш ва экиш

14. Кўчатзорларда экинлар об-ҳавонинг ноқулай шароитларидан нобуд бўлмайдиган, энг қулай муддатларда экилганда чигит қийғос униб чиқади ва уларнинг нормал ўсиши ва ривожланиши таъминланади.

15. Биринчи ва иккинчи йилги кўчатзорлар уруғ кўпайтириш экилган майдонларни ичига соя тушишидан асраган ҳолда суғориш қурилмаларига, йўлларга ва назорат қилиш учун қулай бўлган қисмига жойлаштирилади. Оилавий экинларнинг четларига экилаётган навнинг уруғ кўпайтириш ёки элита уруғлари экилади:

кўчатзорлар махсус мосламаларда экилганда тупроқ экишга тайёрлангандан кейин экиш олдида участка рулеткалар ёрдамида ўлчаб бўлақларга (делянкаларга) бўлинади ва унинг чегаралари суперфосфат билан белгилаб олинади, бўлақлар орасидаги ҳимоя йўлларининг кенглиги мослама билан экилганда ҳам қўл билан экилганда ҳам 0,8 – 1,0 м бўлиши керак;

қўлда экилганда далага олдин сеялка ёрдамида белги солинади, ундан сўнг арқон ёки рулетка ёрдамида қаторлар керакли узунликдаги бўлақларга бўлинади;

экин майдони бўлингандан сўнг кўпқаторли оилаларнинг ҳар бирининг бошланишига ва якка танлаш оилаларнинг ҳар бешинчи оиласига рақамланган қозиклар қўйилади. Далада уруғликни тақсимлаш пайтида уруғлик қопчалар номери экиш ведомостига ва далага қўйилган қозикчалар рақами билан синчиклаб солиштириб чиқилади;

экиш даврида биринчи бўлақнинг ҳар бир кўп қаторли оиланинг бошланишига унинг рақами ёзилган қозикчалар қўйилади. Якка танлаш усулида олинган уруғлар экилаётган бўлақларга эса қозиклар ҳар бешинчи

оилага кўйилади. Экиш тугатилиши биланоқ кўчатзорнинг қолган бўлакларига ҳам қозикчалар шу тартибда кўйиб чиқилади.

16. Кўчатзорларни яхлит жойлаштириш зарур. Уруғ кўпайтириш кўчатзорлари учун узунлиги бир оилани сеялканинг катта бўлмаган бир ёки бир неча ўтишда экиш мумкин бўлган участкаларни танлаш керак.

17. Кўчатзорларда ва уруғ кўпайтириш кўчатзоридида ўсимликларнинг жойлашиш схемаси бўйича қатор оралари 60 см бўлган нуловой (чекланган) турдаги навлар учун уялар оралиғи 20 см, 1 ва 2 турдаги ҳосил шохли навлар учун 30 см, қатор оралари 90 см кенгликда бўлган ҳамма навлар учун эса уялар оралиғи 20 см бўлиши керак:

барча кўчатзорларда шу жумладан, уруғ кўпайтириш кўчатзоридида ҳам ўсимликларнинг биттадан туришини таъминлаш мажбурийдир;

экиш механизациялаштирилган ҳолда ўтказилганда сеялканинг участка (делянка) ичида бурилишига йўл кўйилмайди. Экиш жараёнларида участкалар (делянкалар) чеккасига сеялканинг икки ўтишига - у томонга ва қайтишга етадиган ҳолда уруғ кўпайтириш учун экишга мўлжалланган уруғликлар жойлаштирилади;

экиш пайти қопчаларни экиш аппаратларига тақсимлаш кўчатзор режасига солиштириб кўрилади. Ҳар бир бўлакни экиб бўлингандан сўнг сеялка уруғ қолдиқларидан тозаланади.

18. Кузда пахта майдонларидан келгуси йил ҳосили учун экин экишга ажратилган далалардаги ғўзапояларни илдизи билан чиқариб ташлаш шарт.

Элита экиш учун юқори ҳосил етиштираётган хўжаликлар ажратилади ва ер майдонига етарли элита уруғи билан таъминланади.

3 §. Элита уруғчилик экинларида агротехниканинг хусусиятлари

19. Ҳар йили элита уруғчилик хўжалигининг раҳбари бирламчи материаллар ва элита экинларида ўтказиладиган агротехника тадбирларининг режасини тузади. Режа Уруғчиликни ривожлантириш маркази вилоят бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланади. Агротехник тадбирлар ҳар бир кўчатзор учун алоҳида дафтарларда ҳисобга олиб борилади.

20. Кўчатзорларда ўсимликларни яганалашнинг икки усули ўтказилади. Биринчи марта бир-икки чинбарг пайдо бўлганда уяда 2 донадан ўсимлик қолдириб, иккинчи марта икки-уч чинбарг пайдо бўлганда ҳар бир уяда биттадан соғлом ўсимлик қолдирилади. Яганалашда биринчи навбатда касал ва ривожланишдан орқада қолган ўсимликлар олиб ташланади.

21. Сийрак униб чиққан оилаларни қайта экишга уруғ кўпайтириш кўчатзоридан ташқари кўчатзорларда йўл кўйилмайди.

Уруғ кўпайтириш кўчатзорида қайта экишга фақат шу оилаларнинг синаш намуналари (намуна терим)нинг уруғидан рухсат этилади. Уруғ кўпайтириш кўчатзорларининг қайта экилган бўлаклари ва қайта экиш муддатлари экиш ва дала ведомостига (1- ва 2-шакл) белгилаб кўйилади.

22. Кўчатзорларда чилпиш ўтказиш ман қилинади. Чунки у элита материалларини кўздан кечиришни, морфологик ва хўжалик белгиларини баҳолашни қийинлаштиради. Уруғ кўпайтириш кўчатзоридаги ўсимликларни чилпишга нав тозалашдан сўнг, Уруғчиликни ривожлантириш маркази билан келишилган ҳолда рухсат этилади.

Якка танлаш усулида элита уруғларини етиштириш.

II боб. Биринчи йилги уруғлик кўчатзори

1. Биринчи йилги уруғлик кўчатзорида ўтган йили иккинчи йилги уруғлик кўчатзоридан якка танлаш усулида етиштирилган намуналардан камида 1500 та якка танлов уруғи экилади. Ҳар бир якка танланган намуна уруғлари алоҳида 40 та уяли қаторларга экилади.

2. Кўчатзорда уч марта дала кузатуви ўтказилади: Биринчиси – гул кўрсатганда, иккинчиси – қийғос гуллаш даврида ва учинчиси – терим олдида, кўсакларнинг пишиб етила бошлашида. Дала кузатувларининг натижалари экиш ведомости асосида тузилган дала ведомостига (2-шакл) ёзилади.

3. Дала кузатувларида ҳамма экилган оилаларнинг навга хослиги, умумий ривожланиши, тезпишарлиги, касалликларга ва зараркунандаларга чалиниши, ҳосилдорлиги ва бошқа қимматли хўжалик белгилари бўйича ўсимликларнинг ўсиш шароитини синчиклаб ҳисобга олган ҳолда баҳоланади. Оилада учрайдиган айрим навга хос бўлмаган ўсимликлар юлиб ташланади, иккитадан ортиқ (умумий ўсимлик сонига нисбатан 5 фоиздан) навга хос бўлмаган ўсимлик учраган оилалар эса чикит (брак) га чиқарилади.

4. Биринчи ва иккинчи дала кузатувининг асосий вазифаси навга хос бўлмаган оилаларни чикитга чиқариш, чикитга чиқарилмаган оилалардаги навга хос бўлмаган ўсимликларни юлиб ташлаш ва оиланинг ўсиш шароитини баҳолашдан иборат.

Далани биринчи кузатишда аввал оилалар бўйича ўсимликларнинг умумий сони аниқланади.

5. Иккинчи кузатишда оила ва ўсимликларнинг навга хослигини куйидаги асосий морфологик белгилари – баргнинг катталиги, шакли ва туси, асосий поянинг ва баргнинг тукланиши, шохланиш тури, гул барглари ва тупининг шакли бўйича аниқланади. Ингичка толали ғўза навлари бўйича

дала кузатувларини ўтказганда гул баргларида антацион доғларнинг мавжудлиги ва уларнинг ранги қўшимча равишда ҳисобга олинади.

6. Ўсимликнинг навга ҳослигини баҳолашда ғўзанинг ўсиш шароитини ва унинг шу нав морфологик белгиларига таъсир қилишига эътибор бериш керак. Ўсимликнинг навга ҳослигини аниқлашда ва чиқитга чиқарилганда улар нормал ривожланган ўсимликларга қиёслаб кўрилади.

7. Учинчи дала кузатувида эса қўшимча равишда кўсакнинг катталиги ва шакли ҳисобга олинади. Далани иккинчи кузатиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда хўжалик белгилари бўйича элита материалларига асосий баҳо бериледи. Оилалар – навга ҳослиги, ҳосил элементларининг тўпланиши, кўсақларнинг очилиши ва йириклашиш тезлиги, касалликлар, зараркунандаларга чидамли ва бошқа қимматли хўжалик белгилари бўйича баҳоланади.

8. Далани учинчи кузатиш даврида қўшимча равишда иккинчи гуруҳ далаларни апробация қилишга оид қўлланмада қабул қилинган меъёридан кўп миқдорда касалланган, зараркунандалар билан кучли зарарланган, кам ҳосилли, навга мансуб бўлмаган оилалар чиқитга чиқарилади.

Чиқитга чиқарилган оилаларнинг чеккасидаги ўсимликка “Чиқитга чиқарилган” ёзувли ёрлик (қизил рангли этикетка) осилади.

9. Далани учинчи кузатишда навга ҳос бўлмаган ўсимликлар қўшимча равишда юлиб ташланади. Икки марта кузатишда таркибида иккитадан кўп навга ҳос бўлмаган ўсимлик аниқланганда оила бутунлай чиқитга чиқарилади. Шу билан бир вақтда чиқитга чиқарилмаган оилалардаги вилтга, гоммозга ва илдиз чиришга чалинган ўсимликлар сони саналади.

Касалланган ўсимликлар поясини синдириб қўйиш билан белгиланади ва уларнинг ҳосили чиқитга чиқариш учун алоҳида терилади. Чиқитга чиқарилмаган оилалар бўйича уруғлик пахта тайёрлаш учун қолдирилган ўсимликлар сони ҳисобланади (даладаги ўсимликларни такрорий санамасдан).

10. Биринчи йилги уруғлик кўчатзоридида етиштирилган пахта ҳосили куйидаги тартибда терилади:

биринчи йилги уруғлик кўчатзоридида оилавий теримлар учун чиқитга чиқарилмаган ғўза нави оилаларининг ҳар биридан 150-200 чанокдан иборат бўлган жами 700 та оила териб олинади. Иккинчи йилги уруғлик кўчатзоридан синов намуналари учун бутун оила бўйича нормал ўсган, соғлом ўсимликлардан бир текисда териб олинади. Ҳар бир ўсимликнинг 2, 3 ва 4-ҳосил шохининг биринчи ва иккинчи ўринларида нормал ривожланган чаноклардан 1 та ёки 2 тадан терилади;

уруғлик пахта ҳар бир чикитга чиқарилмаган оилалар бўйича алоҳида териб олинади ва қопларга жойланади. Қопларга оила рақамлари ёзиб кўйилади;

лозим бўлганда, биринчи йилги кўчатзорлардан, синов намуналари учун чикитга чиқарилмаган ўрта толали ғўза нави оилаларининг ҳар биридан 50 тадан, ингичка толали ғўза нави оилаларининг ҳар биридан эса 100 тадан чанок олинади. Синов намуналари учун бутун оила бўйича нормал ўсган, соғлом ўсимликлардан бир текисда териб олинади. Ҳар бир ўсимликнинг 3 ва 4-ҳосил шохининг биринчи ва иккинчи ўринларида нормал ривожланган чаноклардан 1 та ёки 2 та териш мумкин;

терилган чанокларни санаш учун улар ячейкали яшикка ёки ҳисобли сумкаларга жойланади. Ҳар бир оиладан терилган синов намуналари шу оиланинг рақами ёзилган алоҳида қопчага жойлаштирилади;

синов намуналарининг, чикитга чиқарилган ва уруғлик пахтанинг оилавий терими бевосита элита уруғчилик хўжаликларининг ишчилари раҳбарлигида ва улар назоратида олиб борилади.

11. Яроқсиз деб топилган чикитга чиқарилган, оилалар техник пахта сифатида терилади.

III боб. Иккинчи йилги уруғлик кўчатзори

1. Иккинчи йилги уруғлик кўчатзорига камида 400 та оила экилади. Ҳар бир оилани экиш оилавий терим уруғининг етишига қараб ҳар бирида 100 та уя бўлган бир неча қаторларда ўтказилади.

Иккинчи йилги уруғлик кўчатзоридида етиштирилган пахта ҳосили кўйидаги тартибда терилади: синов намуналари (намуна терим), якка танлаш намуналари, уруғлик пахтанинг оилавий терими ҳамда чикитга чиқарилган ўсимликлардан техник пахта.

2. Кўчатзорда уч марта дала кузатуви ўтказилади: биринчи марта гул кўрсатганда, иккинчи мартда қийғос гуллаш даврида ва учинчи марта кўсакларнинг пишиб етилиши олдида, яъни ҳосилни йиғишдан олдин.

Дала кузатувларининг натижалари дала ведомостига ёзилади.

3. Дала кузатувларида ҳамма экилган оилалар навга хослиги, умумий ривожланиши, тезпишарлиги, касалликларга ва зараркунандаларга чалиниши ва бошқа хўжалик хоссалари бўйича диққат билан ўрганилади ҳамда ўстириш шароитини ҳисобга олган ҳолда баҳоланади. Оилада учраган айрим навга хос бўлмаган ўсимликлар юлиб ташланади ва умумий ўсимлик сонига нисбатан таркибидида 2% дан ортиқ навга хос бўлмаган ўсимлик учраган оилалар яроқсизга чиқарилиши ва уруғлик учун пахта терилмаслиги шарт:

дала кузатувининг асосий вазифаси - навга хос бўлмаган оилаларни чиқитга чиқариш, чиқитга чиқарилмаган оилалардаги навга хос бўлмаган ўсимликларни юлиб ташлаш ва оиланинг ўсиш шароитига баҳо беришдир;

яроқли деб топилган чиқитга чиқарилмаган оилалардаги вилтга, гоммозга ва илдиз чириш касаллигига чалинган ўсимликлар саналади. Касалланган ўсимликлар ҳосилини териш мақсадида чиқитга чиқарилган ғўзаларнинг пояси синдириб қўйиш билан белгиланади;

чиқитга чиқарилмаган оилалар бўйича уруғлик пахта тайёрлаш учун қолдирилган ўсимликлар сони (даладаги ўсимликларни такрорий санамасдан) ҳисобланади.

4. Далани биринчи, иккинчи ва учинчи кузатув ишлари биринчи йилги кўчатзорларида ўтказилгани каби амалга оширилади:

ўсимликнинг навга хослигини баҳолашда ўсиш шароитларини ва уларнинг шу нав морфологик белгиларига таъсирини назарда тутиш лозим.

10. Дала кузатув ишлари тугагандан сўнг, якка танлаш (индоотбор) учун ўсимликлар ажратишга киришилади. Касалликларга чалинмаган, навга хос бўлган, ҳосил элементлари яхши тўпланган ўсимликлар белгиланади. Якка танлашга ажратилган ўсимликлар ўзидан олинган пахта билан белгиланади ва уларнинг сони ҳар бир оила бўйича дала ведомостига ёзилади.

11. Уруғчиликни ривожлантириш маркази топшириғига асосан навни кўпайтириш ва бошқа элита уруғчилик хўжаликларга уруғ жўнатишга мўлжалланган режани ҳисобга олган ҳолда, якка танлаш усулида тайёрланадиган намуналар ҳажмини аниқлайди. Ҳар бир элита уруғчилик хўжалиги камида 3 мингдан 5 минг (3000-5000) донагача якка танлаш намуналарини тайёрлайди.

12. Ўсимликларда якка танлаш бошқарма мутахассиси ва элита уруғчилик хўжалигининг агрономи томонидан ўтказилади.

Якка танлаш намуналари экилган оилаларнинг камида 90% ни ташкил қилувчи чиқитга чиқарилмаган ҳамма оилаларда белгиланади.

13. Якка танлаш намуналарининг пахта ҳосилини теришдан олдин бошқарма мутахассиси ва элита уруғчилик хўжалигининг агрономи илгари белгиланган ўсимликларни қайтадан кўриб чиқади ва улардан навга хос бўлмаган, кечпишар ва касалликка чалинганларини чиқитга чиқаради. Қайтадан кўриб чиқиш натижалари дала ведомостига қайд қилинади.

14. Иккинчи йилги уруғлик кўчатзорларида уруғ кўпайтириш майдони учун чиқитга чиқарилмаган ғўза нави оилаларининг ҳар биридан 18-20 килограмдан камида 300 та оила териб олинади, уруғлик пахта ҳар бир оилалар бўйича алоҳида териб олинади ва қопларга жойланади. Қопларга оила рақамлари ёзиб қўйилади.

15. Синаш намуналарига ҳар бир чикитга чиқарилмаган оиладан 100 та чанокдаги пахта терилади. Синов намуналари учун пахта ҳамма оилаларнинг касалланмаган, нормал ривожланган ўсимликларининг 3-4 ҳосил шохидаги биринчи ва иккинчи ўринларида жойлашган чаноклардан 1 та ёки 2 та донадан терилади.

Терилган чанокларни санаш учун улар махсус яшикка ёки ҳисобли сумкага жойланади. Ҳар бир оиланинг синов намуналари шу оиланинг рақами ёзилган алоҳида қопчага жойлаштирилади.

16. Якка танланган ўсимликлар ҳосилини йиғиб-териб олишда ўрта толали ғўза навларида 8 чи, ингичка толали ғўза навларида эса 10-ҳосил шохларидаги кўсаклар очилгандан сўнг киришилади. Бунда якка танлаш намуналари жойланган қопларнинг рақамлари дала ведомостига оилалар бўйича ёзилади.

17. Дала кузатувлари даврида морфологик хўжалик белгилари ўзгарган ва касалликка чалинган ғўза туплари махсус белгилар билан белгиланиб, уруғлик учун териладиган навга хос бўлган ғўза тупларидан пахта териб олингандан сўнг, қолган чикитга чиқарилган ғўза тупининг пахта хомашёсини тезда териб олинади ҳамда техник пахта сифатида алоҳида жамғарилади.

18. Уруғлик пахта ҳар бир чикитга чиқарилмаган оила бўйича алоҳида териб олинади ва қопларга жойлаштирилади. Қопларга оила рақамлари ёзиб кўйилади.

Уруғлик пахта фақат яхши пишган, нормал ривожланган, касаллик ва зараркундаларга чалинмаган, 3-8 ҳосил шохлардаги биринчи ва иккинчи ўринларда жойлашган чаноклардан териб олинади. Ингичка толали ғўза навларидан эса уруғлик пахтани 3-10 ҳосил шохларида жойлашган чаноклардан теришга рухсат этилади.

19. Синаш, якка танлаш намуналари, чикитга чиқарилган ўсимликлар ҳамда уруғлик пахтанинг оилавий терим бевосита элита уруғчилик хўжаликларининг ишчилари назорати остида олиб борилади.

20. Уруғлик пахтанинг ҳосилдорлиги оилалар бўйича бир каторга килограмларда, бир туп ўсимлик бўйича граммларда ҳисоблаб чиқарилади. Ҳар бир оила бўйича уруғлик пахта ҳосилдорлигига синов ва якка танлаш намуналари ҳамда оилавий терим пахтаси киради. (3-шаклда ҳосил ведомости)

21. Синов намуналарининг уруғи кейинги йили уруғ кўпайтириш кўчатзоридан чиққан оилаларга экиш учун сақлаб кўйилади.

IV боб. Уруғ кўпайтириш кўчатзори

1. Уруғ кўпайтириш кўчатзорида иккинчи йилги уруғлик кўчатзоридан тайёрланган камида 250 та оилавий терим уруғлари экилади.

2. Кўчатзорда икки марта дала кузатуви ўтказилади: Биринчиси – кийғос гуллаш олдидан ва иккинчиси – терим олдидан кўсакларнинг пишиб етила бошлашида.

3. Уруғ кўпайтириш кўчатзорида дала кўриги ва аралашмалардан тозалаш ишлари апробация қилишдан олдин ўтказилади.

Бунда навга хос бўлмаган ўсимликлардан тўлиқ тозалаш мақсадида навга хос бўлмаган ўсимликлар юлиб ташланади ва дала четига чиқарилади.

4. Элита майдонларининг нав тозалиги аралашмалардан тозалангандан кейин Уруғчиликни ривожлантириш марказининг ҳудудий бошқармаси мутахассислари томонидан такроран нав тозалиги аниқланади:

агар мутахассис элита майдонларининг нав тозалиги давлат стандарт талабларига жавоб бермаслигини аниқласа, бу майдонларни такрорий тозалаш учун муддат белгилайди ва ундан кейин қайтадан нав тозалиги аниқланади;

элита майдонининг нав тозалигини аниқлаш натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади ва Уруғчиликни ривожлантириш марказининг ҳудудий бошқармаси томонидан тасдиқланади.

5. Уруғ кўпайтириш кўчатзори уруғлик пахтаси бевосита элита уруғчилиги хўжалиги мутахассислари назорати остида кўлда терилади. Уруғлик пахтани ўрта ярусларидан яхши пишиб етилган чаноклардан териш талаб этилади.

6. Элита уруғлик пахта ўрта толали ғўза навларида 3-8, ингичка толали ғўза навларида эса 3-10-ҳосил шохларида жойлашган ва яхши пишиб етилган чаноклардан териб олинади.

Уруғ кўпайтириш кўчатзорларининг пастки ва устки яруслардаги ҳамда чиқитга чиқарилган касалланган ўсимликларнинг ҳосили техник пахта учун териб олинади.

7. Элита уруғлик пахта махсус майдонларда қуритилади ва элита уруғчилиги хўжалиги томонидан ажратилган янги махсус қопларга жойланади.

8. Элита уруғчилик хўжаликларининг ишчилари терилаётган элита уруғлик пахтаси жойланган қоплар сонини ҳисобга оладилар ва уларни элита уруғчилиги хўжалиги томонидан ажратилган ёпиқ сиғимли омборларида белгиланган тартибда сақланади.

9. Уруғликларни жойлаштирилишда хўжаликларнинг бутун майдонини, биринчи ва иккинчи йилги кўчатзорлар жойлаштириш учун ажратилган

майдондан ташқари ҳамма майдонни уруғ кўпайтириш кўчатзори эгаллаши керак.

Хўжаликларда юқори авлодли уруғликлар етарли бўлмаган тақдирда элита ва биринчи репродукцияли уруғлик пахта ҳосилини репродукциялар бўйича алоҳида териб олиш шарти билан Уруғчиликни ривожлантириш марказининг кўрсатмасига асосан экишга рухсат этилади.

Элита уруғчилик хўжалиklarининг ғўза майдонларидан уруғликлар териб олингунга қадар дефолиация тадбирларини ўтказиш қатъиян ман этилади.

V боб. Уруғлик пахта ва тола сифатини лабораторияда баҳолаш

1.§. Якка танлаш ва синаш намуналари бўйича ўтказиладиган таҳлил турлари

1. Якка танлаш усулида элита уруғчилик хўжалигида биринчи йилги уруғлик кўчатзоридан олинган синов намуналарининг битта чанокдаги пахта оғирлиги, тола чиқиши ва летучкалар бўйича тола узунлиги, иккинчи йилги уруғлик кўчатзорининг синов намуналари бўйича кўшимча равишда “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонаси лабораторияларида HVI (High Volume Instruments- пахта толаси сифат кўрсаткичларини юқори самарадорликда ўлчаш тизими) орқали толанинг Юқори ўртача узунлиги (UHML-Upper Half Mean Length), Солиштирма узилиш кучи (Str-Strength), Узулишдаги узайиши (Elg), ва Микронейр (Mic - Micronaire) кўрсаткичлари аниқланади.

2. Якка танлаш намуналари бўйича пахта ҳосилининг ва уруғининг оғирлиги, велвет доскаларда летучка толасининг узунлиги аниқланади (12-шакл).

2.§. Таҳлилларнинг алоҳида турларига намуналар ажратиш.

Пахта ҳосилининг синаш намуналаридан намуна ажратиш.

3. Ҳар бир оила синаш намуналарининг пахта ҳосили алоҳида, тўрт такрорланишда йиғилиб, бирлаштирилган намуналар тортилгандан сўнг яхшилаб аралаштирилади ва стол устига 6-8 сантиметр қалинликда ёйиб текисланади ҳамда навбат билан узунлиги бўйлаб икки бўлакка кўндалангига тахминий тенг 16 қисмга бўлинади.

4. Толанинг узилиш кучини, метрик номерини ва толанинг нисбий узилиш узунлигини аниқлаш кўзда тутилган синов намуналари учун ўн олти қисмнинг ҳар биридан 4-5 та палла пахта (жами 66 та палла пахта) ажратиб олинади. Ҳар палла пахтанинг асосидан санаб иккинчи қатордан бир летучка олинади. Қолган қисми эса синаш намуналарига қўшилади. Олинган 66 та летучка намунаси тола узунлигини текширишда фойдаланилади.

Летучка ажратиб олингандан кейин қолган намунадан тола чиқишини масса бирлиги бўйича аниқлаш учун намуна ажратилади. (5. бандга қаралсин).

5. Якка танлаш ўтказилган кўчатзордан терилган синов намуналарини ҳамда элита синаш тажрибасининг бирлаштирилган синов намуналарини “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонаси лабораторияларида HVI тизимида синовдан ўтказиш учун намуналар ажратиш методикаси толанинг технологик хоссаларини, Юқори ўртача узунлиги (UHML-Upper Half Mean Length), Солиштирма узилиш кучи (Str-Strength), Узулишдаги узайиши (Elg) ва Микронейр (Mic - Micronaire) кўрсаткичи аниқланади.

6. Ўрта толали ғўза навлари билан ишлаганда пахта намунасининг ўн олти бўлагининг ҳар биридан 9-10 палла пахта, ҳаммаси бўлиб эса 155-160 палла ажратилади. 66 палланинг ҳар биридан унинг асосидан иккинчи қаторида жойлашган битта летучка олинади ва паллаларнинг қолган қисми HVI тизимида синовдан ўтказиш учун белгиланган намуналарга қўшилади. 66 та летучка намунаси тола узунлигини синаш учун ишлатилади.

Намуналарнинг қолган пахта ҳосили масса бирлиги бўйича тола чиқишини текшириш учун ишлатилади.

Лаборатория таҳлиллари ведомости, битта кўсакдаги пахта – хомашёси ва тола чиқими фоизда ҳисобланиши 4-шаклда қайд қилиб борилади.

7. Ингичка толали ғўза навлари билан ишланганда, синов намунасининг кўп бўлмаган массасидан икки алоҳида намуна (тола чиқишини аниқлаш ва HVI тизимида текшириш учун) олиш имконияти мавжуд. Синов намунасидан тола узунлигини аниқлаш учун летучка намуналари ажратиб олинади.

Летучка ажратиб олингандан кейин қолган паллалар пахта намунасига қўшилади ва бутун намуна улюкдан ва хас-чўпдан қўлда тозаланади, кейин тортилади, тортилгани тола чиқишини текшириш учун мўлжалланган ўлчамга келтирилади ундан сўнг намуна 10 аррали лаборатория Джин ускуналаридан ўтказилади ва бевосита Джин ускунасидан чиққан момик толадан HVI тизимида синовдан ўтказиш учун намуналар олинади. Ундан кейин ҳар бир синаш намуналари яна бирлаштирилади, тортилади ва тола чиқиши ҳисоблаб чиқарилади.

3.8. Ажратилган намуналарни расмийлаштириш

8. Ҳар бир ажратиб олинган намуналар қалин қоғоздан ясалган пакетга жойланади. Унинг устига кўчатзор оиласининг рақами билан элита уруғчилик хўжалигининг номи ёзилади ва қоғозга ўраб қўйилади.

Пакетлар ва қоғозга ўралган намуналар тўдаланади. Ҳар бир тўдада 10 тадан намуна оилаларнинг тартиб рақами бўйича жойланади. Энг устки пакетга тўда рақами, кўчатзор номи ва намунанинг қайси таҳлил тури учун олинганлиги ёзиб қўйилади.

9. Таҳлиллар “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУКда марказлаштирилган ҳолда ўтказиш учун мумкин қадар белгиланган муддатларда (15 ноябрга қадар) иккинчи йил кўчатзоридан терилган пахталардан синов намуналарини тайёрлаб ва жўнатилаётган нусхаларнинг рақамлари тўлдирилган йиғма ведомости (7-шакл) билан жўнатилади.

“Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК толанинг технологик хусусиятларини таҳлил қилингандаги натижаларини махсус жадвал асосида элитани баҳолашда фойдаланиш учун элита уруғчилик хўжаликларига юборади.

4.§. Синов таҳлилларига намуналар танлаш

10. Элита уруғчилик хўжаликларида синов таҳлиллари ўтказиш учун белгиланган оилалардан намуналар қўйидагича ажратилади: тола узунлигининг таҳлили учун намуналарга қўшимча равишда 35-40 та летучка (66 ўрнига 100-105 та летучка олинади) ажратилади. NVI тизимида таҳлил қилишга синаш намунаси учун элита уруғчилик хўжаликларида таҳлил қилишда керакли тортимлардан ташқари яна 50-150 г. тола-тола чиқишини аниқлаш учун джинлашдан чиқарилган толадан олинади.

11. Лаборатория таҳлилларини ўтказишнинг ҳамма усулларида олинган намуналар элита уруғчилик хўжалигида “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК ва Уруғчиликни ривожлантириш маркази комиссиясининг чиқитга чиқаришни ва элита маҳсулотларини танлаб олишни тасдиқлашга қадар сақлаб қўйилади.

5.§. Якка танлаш усулида олинган намуналарнинг тола узунлигини ўлчаш учун намуна ажратиш.

12. Якка танлаш усулида олинган намуналарнинг пахта ҳосили олдин тортилади (оғирлиги аниқланади), кейин яхшилаб аралаштириб ҳар жойидан 6 палла пахта ажратилади. Ҳар бир палла пахтанинг асосидан иккинчи қаторда жойлашган битта летучка олинади. Олинган летучка пакетларга жойланади. Пакетларни расмийлаштириш тартиби, оила намуналарини текширишда пакетлар қандай расмийлаштирилган бўлса, худди шундай расмийлаштирилади. Летучка олинган паллалар яна ўша намунага қайтадан қўшилади.

6.§. Лаборатория таҳлилларини ўтказиш усуллари

Бир чанок пахтанинг оғирлигини аниқлаш

13. Синов намуналарини тортиш 0,5 гр аниқликкача бажарилади. Пахта оғирлигини намунадаги чаноклар сонига бўлиш йўли билан бир чанокдаги пахта оғирлиги аниқланади. Бир чанокдаги пахтанинг оғирлигини 0,1 гр аниқликкача ҳисоблаб чиқарилади.

Толанинг чиқиш фоизини ва Джин ускунасидан ўтказиш сифатини аниқлаш

а) Тола чиқишини таҳлил қилишдан аввал Джин ускуналарининг тўғри ишлаши текширилади. Бунинг учун ҳар бир ускунада ҳар бирининг оғирлиги 500 гр бўлган иккита пахта намунаси тозаланади. Джин ускуналардан ўтказилгандан сўнг ҳар бир намуна бўйича уруғ ва тола оғирлиги алоҳида аниқланади.

Пахта ҳосили тўғри тозаланган тақдирда намуналарнинг бошланғич оғирлиги билан ундан олинган тола ҳамда уруғ оғирлигининг йиғиндиси орасидаги фарқ 0,5% дан ошмаслиги керак.

Агар улар орасидаги фарқ 0,5% дан ортиқ бўлган ҳолларда Джин ускуналари кўшимча равишда созланади.

б) Тола чиқишини тўғри аниқлаш ва етарли даражада тозалаш сифатини текшириш мақсадида элита уруғчилик хўжалиги уруғларнинг сертолалик эталонини тайёрлайди. Бунинг учун элита уруғчилик хўжалигида кўпайтирилади навнинг пахта ҳосилидан 1 кг Джинлашдан ўтказилади. Тайёрланган уруғдан ҳар бирининг оғирлиги 10 гр бўлган иккита намуна ажратиб олинади ва O'zDSt 21820,3-76 да кўрсатилган услублар кўлланилмасига мувофиқ чигитда қолган тола миқдори аниқланади.

в) Ўрта толали ғўза навларида Джинлашдан чиқарилган (линт қилинмаган) дан сўнг чигитда қолган тола миқдори 1 % дан, ингичка толали навларда эса – 0,6% дан ошмаслиги керак.

г) Толанинг чиқишини аниқлаш учун оилалар бўйича терилган синов намуналари бир хил оғирликка 250, 300, 400, 500 гр.га етказилади. Ҳар бир кўчатзор учун тола чиқишини аниқлашга олинган намунанинг умумий оғирлик бирлигининг мумкин қадар кўп ёки оз бўлишини Уруғчиликни ривожлантириш маркази ҳудудий бошқармасининг лаборанти белгилайди. Элита синаш тажрибасидаги тўрт такрорланишдан бирлаштирилган намуналарнинг тола чиқишини аниқлаш учун иккита 500 гр.лик синов намунаси олинади. Тола чиқишини аниқлаш учун олинган синов намуналарининг пахтасини джинлашдан ўтказишдан олдин, ундан олинган

уруғ ва тола эса – джинлашдан чиққан захотиёқ тортилади. Тортиш аниқлиги - 0,5 гр.

д) Синов намуналарини ҳамда оилавий терилган уруғлик пахтани, якка танлаш намуналарини джинлашдан чиқариш Уруғчиликни ривожлантириш маркази худудий бошқармасининг лаборанти назоратида ўтказилади.

Уруғ тозалаш уруғликдаги толанинг миқдори уруғлик чигитнинг толалик даражасини аниқлаш мақсадида элита уруғчилик хўжалиги томонидан тайёрланган эталон кўрсаткичидан камаймагунича давом эттирилади.

е) Синов намуналарининг тола чиқиши қуйидаги формула бўйича ҳисобланади.

$$Tч = \frac{Tо \times 100}{Pо}$$

Tч – тола чиқиши

Tо – тола оғирлиги

Pо – пахта оғирлиги

Тола чиқишининг аниқлиги уруғлар бўйича қуйидаги формулада текширилади:

$$Tч = \frac{(Pо - Уо) \times 100}{Pо}$$

Уо – уруғ оғирлиги

ж) Синов намуналарининг, оилавий теримнинг ва якка танлаш намуналарининг уруғлари джинлашдан чиқарилгандан ва тортилгандан кейин тегишли қопларга жойланади ҳамда рақамлари бўйича тизма (грилянда) қилиб боғланади.

Синов намуналарининг толаси тортилгандан ва толанинг технологик хоссаларини таҳлил қилиш учун намуна олингандан кейин қўшилади, оилавий терим ва якка танлаш намуналарининг толаси эса джинлашдан чиқариш даврида қўшилади.

7 §. Летучкалар бўйича тола узунлигини аниқлаш

Тола узунлигини ўлчаш учун кокилчалар ажратиш.

14. Тола узунлигини аниқлашдан олдин летучкадан кокиллар (тутам) ажратилади. Бунинг учун летучканинг ўткир учини ўзига қаратиб чап қўлга

олинади ва унинг юзасидаги “чоки”, томирлари яъни чигитнинг ўткир учидан ўтмас учига йўналган тола-томирлар тўплами ўтадиган жой қидириб топилади. Уруғ юзасидаги тола “чок” бўйлаб икки қисмга ажратилади, летучканинг ўнг ярмининг ўтмас учидан узунлигининг 1/3 қисмидан, яъни чигитнинг энг кенг қисмидан кокилча ажратилади. Ажратилган кокилчанинг кенглиги 2,5-3,0 мм, калинлиги 1,5-2,0 мм бўлиши керак. Летучкада қолган барча толалар бирлаштирилади. Шундай тартибда тайёрланган 40 та летучка ҳар бир намуна бўйича қайтариб пакетларга солинади.

8 §. Ўлчовга тайёрлаш

15. Пакетлар тўдадан ведомостда ёзилган тартибда олинади. Летучкаларни ўлчов тахталар (духоба тахта)га қўйишдан олдин кокилчалар ажратилишининг тўғрилиги текширилади. Бунда ўлчовга нотўғри тайёрланган летучкалар тўғриланади ёки шу намунадан бошқаси билан алмаштирилади.

16. Ўлчов тахтасини летучка жойлашда ва кейинги ишларни ўтказишда ўзига қаратиб тик тутиш керак. Кокилчали летучканинг ўткир томонини ўзига қаратиб ўлчов тахтасининг махсус уяларига жойланади. Бунда оилалар тахтачага параллел ҳолатда ва унга пухта ёпишиб жойланиши шарт.

Чигитни жойлаштираётганда кокилчалари метал тахтача тешигидан ўтказилади ва ундан кейин летучка клавиш билан қисиб қўйилади. Кокилча бутун узунлиги бўйича ўлчов тахтаси юзасига тўла ётиб боришини кузатиб бормоқ зарур. Кокилчалар асосида ўлчов тахтага нисбатан бурчак ҳосил бўлишига, унга ёпишиб жойлашишига ёки аксинча, уяга тикилиб қолишига йўл қўймаслик лозим.

17. Тола узунлиги оилалар ва элитасинаш тажрибасининг бирлаштирилган намуналари бўйича ҳар бирида 20 та летучкали иккита синашда аниқланади. Қолган летучкалар қайта текшириб кўриш учун пачкаларда қолдирилади ва элита материалларини чикитга чиқариш баённомасининг тасдиқлангунича сақланади.

18. 20 та летучка ўлчов тахтасига жойлаштирилиб, тиш щёткаси билан толалари момиклантирилади. Бунинг учун кокилча тутам толалари олдин тиш щётка билан енгил зарба бериб елпиғич шаклида ростланади ва узилган толалар тараб ташланади. Кейин ҳар бир кокил толаси силаб ўлчов тахта устига ётқизилади ва тиш щёткаси билан шундай тарангланадики, бунда бутун кокилчалар толаси ўлчов тахтасининг металл планкасига тик қилиб жойлаштирилади, тарангланганда узилиб чиққан толалар ҳам олиб ташланади.

19. Якка танлаш намуналари пахта ҳосилининг тола узунлиги бешта летучка бўйича ўлчанади. Битта ўлчов тахтасига тўртта якка танланган намуналарнинг летучкаси жойлаштирилади.

20. Тола узунлигини текшириш учун етти кишидан иборат гуруҳ ташкил этилади. Икки киши ўлчов тахтасига летучкаларни жойлаштиради, учинчиси уларни хўрпайтиради (момиклаштиради); тўртинчиси кокилларни ўлчов тахтасида таранглайди; бешинчиси тиш щёткаси билан кокилларни ўлчов тахтаси устида яхшилаб силаб силлиқлайди ва летучканинг ўлчовга тўғри тайёрланганлигини текшириб боради; олтинчиси тола узунлигини ўлчаб узунлик кўрсаткичини айтади ва еттинчи уни ведомостга ёзиб боради.

9 §. Тола узунлигини ўлчаш

21. Тола узунлиги остки қисмида миллиметрли бўлинмаларга эга бўлган ойна ёки ялтироқ пластмасса линейкаларда ўлчанади. Ўлчов даврида линейкани кокилча устига енгил қўйилади.

Ўлчашда кокилчанинг охири қилиб 2-3 та алоҳида толаларнинг тугаган жойи қабул қилинади.

22. Синаш намуналаридан олинган летучка толасининг узунлигини ёзишда 5-шаклдан фойдаланилади.

Ўлчовдан олдин навга қараб асос (негиз) тола узунлиги қуйидагича танлаб олинади:

а) ўрта толали ғўза навлари учун 30 мм;

б) тола узунлиги 40 мм гача бўлган ва ингичка толали ғўза навлари учун - 35 мм;

в) узунлиги 40 мм дан ортиқ бўлган ингичка толали ғўза навлари учун – 40 мм.

Асос узунлиги ноль қимматга қабул қилинади ва ҳамма ўлчов натижалари ундан + ёки - белгилари билан олинган натижаларига қараб санаб чиқилади.

23. Летучканинг ўлчов натижалари тегишли катакларга нуқталар билан қуйидаги тартибда ёзиб борилади:

Биринчи ҳолда \bullet , иккинчи ҳолда $\bullet\bullet$, учинчи $\bullet\bullet\bullet$, тўртинчи $\bullet\bullet\bullet\bullet$, бешинчи $\bullet\bullet\bullet\bullet\bullet$, олтинчи $\bullet\bullet\bullet\bullet\bullet\bullet$, еттинчи $\bullet\bullet\bullet\bullet\bullet\bullet\bullet$, саккизинчи $\bullet\bullet\bullet\bullet\bullet\bullet\bullet\bullet$, тўққизинчи $\bullet\bullet\bullet\bullet\bullet\bullet\bullet\bullet\bullet$, ўнинчи ҳолда $\bullet\bullet\bullet\bullet\bullet\bullet\bullet\bullet\bullet\bullet$.

24. Ҳамма 20 та летучка намуналари бўйича тола узунлиги ҳисоблаб чиқарилади.

Бунда ҳар бир катакдаги ҳолатлар сони толанинг асос узунлигидан тегишли четланишга кўпайтирилади ва олинган кўпайтма, мусбатми ёки манфийми барибир, алоҳида қўшилади. Ҳамма четланишнинг катта

микдоридан кичиги ажратиб ташланади ва олинган ажратма синашдаги летучкалар сонига бўлинади. Бўлишдан олинган натижа айирмада қандай белгига эгаллигига қараб қабул қилинган асос тола узунлигидан олинади ёки унга қўшилади.

Ҳар бир намунанинг икки синов кўрсаткичлари орасидаги тафовут 1 мм.дан ошмаслиги шарт. Агар тафовут катта бўлган тақдирда учинчи синов олинади ва ўртача узунлик бир-бирига яқин икки синашнинг кўрсаткичларидан олинади.

25. Якка танлаш намуналарининг тола узунлиги ўлчанганда 6-шаклга мутлоқ рақамлар ёзилади ва якка танлаш намуналардан олинган летучка толасининг умумий узунлиги ҳисоблангандан кейин у 5 га бўлинади. Олинган сон якка танлаш намуналарининг ўртача тола узунлигининг кўрсаткичи бўлади.

10 §. Ўлчашнинг тўғрилигини текшириш

26. Ўлчовчи томонидан 40 та летучканинг ўлчов тахтасида ўтказган ўлчови стандартда тасдиқланган тола узунлигидан кўпи билан $\pm 0,5$ мм фарқ қилгандагина уни ишга тайинлаш мумкин.

27. Синаш намуналарининг тола узунлиги тўғри аниқланаётганлигини текшириш учун ҳар куни текшириш ўтказиш даврида ўлчовчига стандартдан ёки илгари текширилган намунадан махфий қилиб ҳар бирида 20 та летучка бўлган икки намуна берилади. Якка танлаш намуналарнинг пахта ҳосилини текшириш даврида назорат ўлчовларга ҳар куни 8 та алоҳида якка танлаш намуналаридан иборат бўлган 40 та летучка берилади.

Текшириш натижалари эса ҳар икки ўлчов тахтасидан алоҳида олинган ўлчовлар йиғиндисидан чиқарилади.

28. Назорат ўлчовларининг натижалари элита уруғчилик хўжалигининг таҳлилларни текшириш журнаliga ёзиб бoрилади.

11 §. Тола узунлиги стандартини тайёрлаш

29. “Агрoсаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК тажриба даласидан летучканинг тола узунлиги тўғри аниқланганлигини текшириш учун стандарт тайёрланади. Стандартни тайёрлаш учун 10 кг пахта ажратиб олинади. Бу пахта ўсимликларнинг ўсиш шарoити бир хил бўлган, асосан уруғ кўпайтириш экинларидан терилади. Терилган пахта ҳосилининг умумий oғирлигидан навга хос бўлмаган, кескин ажралиб турган паллалар олиб ташланади. Кейин паллалар летучкаларга бўлинади ва яхшилаб аралаштирилади.

30. Летучканинг умумий миқдоридан 1 кг оғирликда бўлган ўртача намуна олинади. Бунинг учун 10 кг летучка тўрт бурчак шаклида текисланади ва 64 та тенг бўлакка бўлинади. 64 қисмнинг ҳар бирининг камида 30 та жойидан 120-150 летучка ажратилади. Шундай қилиб ажратилган стандарт пахтадан ўртача намуна олиш усули билан 400 та летучка олинади ва ҳар бирида 200 та летучка бўлган икки марта синашда ўлчанади.

31. Стандарт намуна элита уруғчилик хўжаликларига жўнатилади. Пахта (летучка) намунаси стандарт бўлиб ҳисобланади ва тола узунлигини тўғри аниқланишини текширишда фойдаланилади. Стандарт ҳар икки йилда янгилаб турилади.

12 §. Элита уруғчилик хўжаликларида лаборатория таҳлилларини назорат қилишнинг натижаларини расмийлаштириш

32. Элита уруғчилик хўжаликларида таҳлилларнинг аниқлигини элита уруғчилик лабораториясининг агрономи ва лаборанти назорат қилиб боради.

Элита уруғчилик хўжалиги томонидан ўтказилаётган назорат таҳлилларнинг натижалари қуйидаги кўрсатилган жадвал асосида дафтарда юритилади.

Намуна жадвал

20.. йил мавсумида элита уруғчилик хўжалигида ўтказилган таҳлилларни назорат қилиш журнали

№	Текшириш куни	Элита уруғчилик хўжалигида таҳлил ўтказувчининг И.Ф.О	Назорат тури	Таҳлил тури	Таҳлил кўрсаткичи		чекланиш	Бажарган лаборатнинг имзоси
					Э.у.х лаборанти томонидан бажарилган	Агроасаноат мажмуида хизмат кўрсатиш маркази баҳоси бўйича эталон назоратидаги намуналар		
1	25.11	Аҳмедова А	Ҳар куни	Тола узунлиги, мм	32,6	32,3	+0,3	

13 §. Лаборатория таҳлилларини марказлаштирилган ҳолда назорат қилиш

33. Элита уруғчилик хўжаликлари ҳамма турдаги лаборатория таҳлилларининг тўғри ўтказилишини қўшимча назорат қилиш мақсадида синов намуналарини “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУКга (шу Марказ томонидан тасдиқланган режага мувофиқ ҳолда) жўнатади.

34. Тола чиқиши таҳлилларининг аниқлигини текшириб кўриш учун олдиндан 2 кг.дан бир хил пахта тайёрланади.

Пахта яхшилаб аралаштирилади ва джин ускуналари сонига қараб бўлакларга ажратилади. Ҳар бир 2 кг оғирликдаги пахта джинга солишдан олдин икки тенг бўлакка (1 кг.дан) бўлинади. Ўз навбатида 1 кг пахта ҳар бири 500 гр дан иборат икки намунага бўлинади.

Текширилаётган джинларнинг ҳар бирида 500 гр оғирликдаги икки намуна тозаланади ва ҳар бир джин ускунаси учун ўртача тола чиқиши ҳисобланади.

Ҳар бир джиндан қолган 1 кг миқдордаги пахта намунаси ва 50 гр чигитни текшириш намунаси сифатида элита уруғчилик хўжалигида тола чиқишини аниқлашда, олинган натижалар билан биргаликда Агросаноат мажмуида хизмат кўрсатиш марказига жўнатилади. Намуна шундай ҳисоб билан жўнатиладики, элита материаллари толасининг чиқишини текширишни бошлашдан олдин хўжалик “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУКнинг ҳулосасини олиши керак.

35. Тола узунлигининг тўғри ўлчанаётганлигини назорат қилиш учун элита уруғчилик хўжалиги иш даврида берилган намунадан 100 та летучкани текширади ва қолган 60 та летучкани “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУКга танлаб жўнатади. Улардан 10 та летучканинг кокилчалари ажратилган бўлиши шарт. “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУКга жўнатилаётган летучкалар билан биргаликда элита уруғчилик хўжалигида ўлчанган 40 та летучка натижаси ҳам жўнатилади. “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУКга келиб тушган летучкалар бўйича тола узунлиги ўлчов тахтасида аниқланади ва натижалар ҳақида элита уруғчилик хўжаликлариға маълумот жўнатилади.

36. Пахта толасини HVI тизимида Юқори ўртача узунлиги (UHML-Upper Half Mean Length), Солиштирма узилиш кучи (Str-Strength), Узулишдаги узайиши (Elg) ва Микронейр (Mic - Micronaire) кўрсаткичларини аниқлаш учун олинган текшириш намуналари элита уруғчилик хўжалигида синалаётган пайтдагина “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУКга жўнатилади. HVI тизимида таҳлил қилинаётганда олдин таҳлил қилинган 50-150 гр тола намунаси таҳлил учун жўнатилади.

37. Агросаноат мажмуида хизмат кўрсатиш маркази мавсум бошланишигача ва лаборатория таҳлиллари давригача элита уруғчилик хўжаликлариға уларнинг лабораторияларида таҳлиллар ўтказиш учун назорат намуналарни ғўза нави кўрсатилган ҳолда жўнатади.

Элита уруғчилик хўжаликларида назорат намуналари бўйича ўтказилган таҳлилларнинг натижалари улар бўйича хулоса берадиган “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУКга жўнатилади.

38. Лаборатория таҳлилларида йўл қўйиш мумкин бўлган чекланиш меъёрлари -жадвалда келтирилган.

39. Уруғчиликни ривожлантириш маркази билан келишган ҳолда “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК хоҳлаган элита уруғчилик хўжаликларида лаборатория таҳлилларининг ўтказилишининг ташкил қилинишини текширади.

Лаборатория таҳлилларида йўл қўйилиши мумкин бўлган чекланишлар

Кўрсаткичлар	Таҳлилларда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликлар : чекланишлар	
	Синашлар орасидаги	Назорат ва текшириш намуналари бўйича
Летучкалар бўйича тола узунлиги	1 мм	0,7 мм
Тола чиқиши	0,5%	0,5%
Микронейр (Mic-Micronaire)	0,1	
Солиштирама узилиш кучи (Str-Strength)	1,2 гкуч/текс	
Юқори ўртача узунлик (UHML-Upper Half Mean Length)	Миллиметрда - 0,41 Дюймда - 0,016	

40. Элита уруғчилик хўжаликлари “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУКга чигит экиш тўғрисида маълумотларни 15-майгача (1-иловада келтирилган) ва дала кузатувлари ҳамда териб олинган уруғлик пахта тўғрисидаги маълумотларни 15 ноябргача (2-иловада келтирилган) жўнатишлари керак.

VI боб. Элита материални чиқитга чиқариш ва экишга танлаш

Оилавий терим ва якка танлаш намуналарининг пахта ҳосилини ҳамма кўрсаткичлар бўйича тавсифлаш учун лаборатория таҳлилларини ўтказиш даврида вариацион қаторлар тузилади ва ҳар бир кўчатзордаги навнинг элита материалларининг сифатини акс эттирувчи ўртача кўрсаткичлар чиқарилади.

Вариацион қаторларда қуйидаги белгилар гуруҳларга ажратилади.

1. Уруғ кўпайтириш ва иккинчи йилги уруғлик кўчатзорларининг оилалар бўйича: а) битта чанокдаги пахтанинг оғирлиги; б) тола чиқиши; в) тола узунлиги; г) толанинг узилиш кучи; д) толанинг метрик номери; е) толанинг нисбий узилиш узунлиги; ж) уруғлик пахтанинг ҳосили; бир ўсимлик бўйича граммларда, қаторларга – кг ларда.

2. Якка танлаш намуналари бўйича:

А) уруғлар (чигитлар) оғирлиги; б) тола узунлиги.

3. Вариацион қатор кўчатзорнинг ҳамма оилалари ва якка танлаш намуналари бўйича олинган белгилардан бирининг кўрсаткичларининг синф гуруҳларига ажратиш йўли билан олинади. Ҳар бир белги учун ўзининг меъёри ва синф чегараси қабул қилинган.

Ўрта толали ғўза навлари учун битта чанокдаги пахтанинг оғирлиги бўйича синф меъёри 0,5 граммдир.

4. Вариацион қаторларнинг чегаралари навларнинг биологик хусусиятларига қараб қўлланмада келтирилган намунавий вариацион қаторларнинг кўрсаткичларидан кичик ёки катта томонга сурилиши мумкин.

5. Кўрсаткичларни вариацион қаторларга қайд қилиш нукталар билан белгиланади (тола узунлигини ўлчаш ёзувига 9-параграф 23-бандга қаранг). Ундан сўнг ҳар бир синфдаги ҳолатлар сони синфларнинг тегишли ўртача қимматига кўпайтирилади ва барча синфлар бўйича олинган қиймат йиғиндисини намуналарнинг умумий сонига бўлинади.

6. Элита уруғчилик лабораторияси аграноми ва лаборанти оила ва ўсимликларни, дала ва лаборатория кузатувларининг ҳамма маълумотларини ҳисобга олган ҳолда яроқсизини чиқитга чиқаради ҳамда экиш учун энг яхши уруғлик материалларини комплекс белгилари, яъни ҳосилдорлиги, битта чанокдаги пахта оғирлиги, толанинг чиқиши, узунлиги, узилиш кучи, метрик номери, нисбий узулиш узунлиги ва микронейр кўрсаткичи бўйича танлаб олади.

7. Элита материалларини баҳолашнинг аниқлиги оилаларни тавсифлайдиган ҳамма белгиларнинг вариацион қаторларидаги тегишли ўртача кўрсаткичларга бир вақтда солиштириш билан таъминланади. Бунда, оилаларнинг ҳамма белгиларининг кўрсаткичлари вариацион қаторларнинг ўртача қимматидан четга чиқишга нав белгиларининг бир-бирига боғлиқлигини, уларнинг ўсиш шароити таъсирида ўзгаришини ва таҳлилларда йўл қўйилган ноаниқликларни ҳисобга олган ҳолда баҳо берилади.

Материалларни баҳолашнинг аниқлигини ошириш учун оилалар бўйича ўтган йилги лаборатория таҳлиллари натижаларининг йиғма маълумотидан фойдаланилади.

Оилаларнинг ҳамма белгилари ўртача вариацион қаторлардан таҳлил хатоси чегарасида оғишган бўлса бундай оилалар чиқитга чиқарилмайди.

8. Оилаларда тайёрланган якка танлаш намуналарининг ҳаммаси лаборатория баҳоларининг натижалари бўйича чиқитга чиқарилади. Якка танлаш намуналари берилган турга (чигитдаги тола қалинлиги-зичлиги

бўйича аниқланадиган) хос эмаслиги, уруғ оғирлиги ва тола узунлиги бўйича кўшимча равишда чиқитга чиқарилади.

Якка танлаш намуналарининг уруғларини кўриб чиқиш ва уларни навга хос эмаслиги учун чиқитга чиқариш ишлари материалларни тасдиқлаш учун комиссияга топширишдан олдин ўтказилади.

9. Ҳар бир кўчатзорнинг оилавий теримидан тайёрланган уруғнинг экиш сифатига тегишли элита материалларини тавсифлайдиган уруғликнинг ўртача намуналари бўйича баҳо берилади. Ўртача намуна уруғларини экиш сифатининг таҳлиллари энг яқин пахта тозалаш корхонасидаги пахта уруғчилик лабораториясида ўтказиш мумкин.

10. Лаборатория таҳлилларининг натижалари бўйича элита материалларини элита уруғчилик хўжаликлари томонидан баҳолаш ва чиқитга чиқариш 1 мартгача тугатилиши зарур ва уларнинг натижалари Уруғчиликни ривожлантириш марказига текшириб кўриш учун топширилади.

11. Элита уруғчилик лабораторияси аграноми ва лаборанти элита уруғчилик хўжаликларининг вакиллари иштирокида экишга мўлжалланган элита материалларини чиқитга чиқариш ва танлаб олиш натижаларини (браковка) ҳисоботларини Уруғчиликни ривожлантириш марказининг комиссиясига топширади ва зарур ҳолларда унинг ҳудудий бошқармаларига, Агросаноат мажмуида хизмат кўрсатиш маркази вакилларига ҳамда нав муаллифларига тақдим этади.

12. Элита материалларини тайёрлаш режаси бажарилмаган ва уруғлик экинларнинг касалликларга чалиниши, агротехника тадбирларини ўтказишда йўл кўйилган хатолар, табиий офат ва бошқа сабаблар туфайли кўчатзордаги оилалар сони кўлланмада талаб этилган миқдордан камайиб кетган тақдирда кўчатзорлар берилган нав бўйича ишлаётган бошқа элита уруғчилик хўжаликларининг элита материаллари билан тўлдирилади.

13. Янги ташкил этилган элита уруғчилик хўжаликларини уруғлик материаллари билан тўлдириш ва элита материалларини хўжаликларда алмаштириш ишлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг таклифига асосан Уруғчиликни ривожлантириш маркази ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда нав муаллифи билан келишилган ҳолда ўтказилади.

VII боб. Навларни алмаштириш китобини (дафтарини) ва техник ҳисоботни олиб бориш

1. Нав алмаштириш китоби элита уруғчилик хўжаликларидаги нав фондининг аниқ ҳисобини олиб боришга хизмат қилади ва элита уруғини такрор ишлаб чиқаришнинг ҳамма муаммоларини ўзида акс эттириши лозим. Навларни алмаштириш китобининг шакллари тикилади ва экиш тугагандан

кейин ўз вақтида тўлдирилади. Кейинчалик унга ҳамма уруғчилик тадбирлари ўтказилиши биланок ёзиб борилади (8-шакл).

2. Бир йил мобайнида ҳар бир элита уруғчилик хўжалиги Агросаноат мажмуида хизмат кўрсатиш маркази ва Уруғчиликни ривожлантириш марказига навларни алмаштириш китобининг шакллари бўйича ҳисоботни кўйидаги муддатларда жўнатишга мажбурдир.

- Экиш тўғрисидаги маълумотлар 2-шакл бўйича ҳамда 1-иловада келтирилган маълумот асосида – ҳисобот йилининг 15-майгача.

- Дала кузатувларининг натижалари 11-шакл ва ҳосилдорлик ҳақидаги маълумотлар 13-шакл бўйича ҳамда 2-иловада келтирилган маълумот асосида – ҳисобот йилининг 15 ноябригача топширилади.

- Лаборатория таҳлилларининг натижалари 15-шакл бўйича, пахта тозалаш тўғрисидаги маълумотлар 14-шакл бўйича ва экиладиган уруғчиликнинг ҳаракати 15-шакл бўйича – ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1-мартигача.

- Ўтган йилги меҳнат шароитлари, ходимлар ҳолати, ишдаги ютуқ ва камчиликлар тавсифи ҳақидаги ҳисобот 15 июнгача топширилади. Ҳисобот Уруғчиликни ривожлантириш марказига топширилади.

3. Навларни алмаштириш китобининг шаклларини тўлдириш тартиби кўйидагича:

а) 16-шаклга ҳамма кўчатзорларнинг схемали режаси илова қилинади.

б) 11-15 шаклларда дала кузатувларининг ва лаборатория таҳлилларининг натижалари умумлаштирилади. Бу шакллар дала ва лаборатория таҳлилларининг йиғма маълумотларининг кўрсаткичлари асосида тўлдирилади. 8 ва 10-шаклларнинг сарлавҳасига бу шаклларни тўлдиришда фойдаланилган кўчатзорлар номи ёзиб қўйилади. 8-10 шаклнинг “Оиладан фойдаланиш мақсади” сатрида оила экиш учун қолдирилганлиги ёки у чиқитга чиқарилганлиги кўрсатилади.

в) 14-шаклда уруғ кўпайтириш кўчатзори, биринчи ва иккинчи йилги уруғчилик кўчатзорларининг сатрлари ўз хўжалигида оилалар ҳосилини тозалаш натижаларига асосан тўлдирилади: уруғ кўпайтириш ва элита уруғчиликлари бўйича элита уруғчилик лабораториясининг маълумотларида келтирилади.

г) 15-шакл Уруғчиликни ривожлантириш маркази элита материалларини танлаб олувчи, чиқитга чиқарувчи комиссиясининг кўрсатмалари, қўшимча буйруқлари, жўнатиладиган ҳужжатлари ва гувоҳномалари асосида тўлдирилади. Бу шакл элита материалларининг ҳақиқий ҳолатини акс эттириши керак.

4. Дала ведомостида (2-шакл) ҳар бир оила учун уч сатр ажратилади – биринчи, иккинчи дала кузатувлари ва икки марта ўтказилган дала кузатувларининг натижаларини йиғиш учун.

VIII боб. Элита уруғчилик хўжаликларида ғўзанинг бирламчи уруғлик материалларини етиштиришни назорат қилиш

Элита уруғчилик хўжаликларида ғўзанинг бирламчи уруғлик материалларини етиштириш жараёнини Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази худудий бошқармаларининг мутахассислари томонидан назорат олиб борилади.

Қуйидагилар устидан назоратни амалга оширади:

бирламчи уруғликларининг сифати;

ғўза навларининг генетик софлиги ва ушбу экинлар уруғликларининг сифати соҳасидаги давлат сиёсатининг ижроси, қишлоқ хўжалиги экинлари навларини жойлаштириш ҳамда навли уруғликларини тайёрлаш режаларининг бажарилиши;

бирламчи уруғликларнинг етиштирилиши, уларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этган ҳолда тежаб сарфланиши;

хўжаликларда дала кўрикларини тўғри ўтказилиши;

бирламчи уруғлик материалларини етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш ҳамда сақлаш бўйича норматив талабларнинг техник регламентларга мувофиқ тавсия ва кўлланма асосида амалга оширилиши;

зарурият туғилганда уруғликлар архивини ташкил этиш ва уруғликлар архивларининг юритилиши;

сертификатлаштирилмаган ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига жавоб бермайдиган уруғликларнинг тарқатилишини тақиқлайди;

уруғликларни қонун ҳужжатларини бузган ҳолда етиштиришни, сақлашни, реализация қилишни тўхтатиб қўйиш ёки таъқиқлаш;

навларини янгилаш ва жойлаштириш тартибини бузганлик учун хўжаликлар раҳбарлари ҳамда бошқа масъул шахсларга нисбатан чоралар белгилаш.

**20__ йилда ғўза навининг элита ва биринчи
авлоди экилганлиги тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Элита уруғчилик хўжалиги номи _____

Ғўза нави _____

Элита материаллини келиб чиқиши _____

Элита экиш майдони, га: Режа _____ Ҳақиқатда _____

Шу жумладан:

1 - йил уруғлик кўчатзори _____

2 - йил уруғлик кўчатзори _____

Уруғ кўпайтириш кўчатзори _____

1-авлод уруғлик майдони _____

I. 1-ЙИЛ УРУҒЛИК КЎЧАТЗОРИ

Жами _____ дона якка танлаш намуналари экилган, _____ дона оилалардан терилган, _____ дона оилалар ўз хўжалигида тайёрланган. _____

хўжаликдан _____ дона келтирилган, _____ дона оилалардан терилган.

Бир қаторда _____ дона уя экилган. Экиш схемаси _____

**Экилган уруғлик материаллининг
ўртача сифат кўрсаткичи.**

Тола узунлиги, мм _____ Унуб чиқиш қуввати % _____

Тола чиқиш миқдори, % _____ Унувчанлиги % _____

Бир чанок оғирлиги, гр _____ Пишганлик даражаси % _____

Толанинг узилиш кучи г.с. _____ Туклилиги % _____

Толанинг метрик рақами _____ Намлиги % _____

Толанинг нисбий узулиш _____ Узунлиги, км. _____

Шикастланганлик даражаси % _____

Я.Т. ўртача тола узунлиги, мм. _____ 1000 дона чигит вазни _____ гр.

Я.Т. ўртача чигит оғирлиги, гр. _____ 1 гектарга чигит сарфи _____ кг.

II. 2-ЙИЛ УРУҒЛИК КЎЧАТЗОРИ

Экилган оилалар сони _____ дона. Оиладаги ўртача қаторлар сони _____.

Уруғлик чигит вазни _____ кг. Қатордаги уялар сони _____ дона.

Уруғ сарфи _____ кг/га. Экиш схемаси _____.

Уруғлик материаланинг келиб чиқиши _____.

Экилган уруғлик материаланинг ўртача сифат кўрсаткичи.

Тола узунлиги, мм _____ Унувчанлиги % _____.

Тола чиқиш % _____ Унуб чиқиш қуввати % _____.

Бир чаноқ оғирлиги, гр _____ Пишганлик даражаси % _____.

Шикастланганлик даражаси % _____ Намлиги % _____.

1000 дона чигит вазни _____ гр. Туклилиги % _____.

III. УРУҒ КЎПАЙТИРИШ КЎЧАТЗОРИ

Экилган оила _____ дона, _____ га

Унуб чиқиш қуввати % _____

Уруғлик чигит вазни _____ кг

Пижганлик даражаси % _____

Уруғ сарфи _____ кг/га

Шикастланганлик даражаси % _____

1000 дона чигит вазни _____ гр.

Намлиги % _____

Унувчанлиги % _____

Туклилиги % _____

Элита уруғчилик хўжалиги
раҳбарининг Ф.И.О _____,

_____ ИМЗОСИ

Элита уруғчилик хўжалиги
агрономининг Ф.И.О _____,

_____ ИМЗОСИ

IV. БИРИНЧИ АВЛОД

Экин майдони _____ га. Экиш учун олинган уруғ миқдори _____ кг.
Уруғлик сарфи _____ кг/га. Экиш схемаси _____

Экилган элита авлодли уруғликнинг ўртача сифат кўрсаткичи.

Унувчанлиги _____ %.

Пишганлик даражаси _____ %.

Унуб чиқиш қуввати _____ %.

Туклилиги _____ %.

Шикастланганлик даражаси _____ %.

Намлиги _____ %.

1000 дона чигит вазни _____ гр.

Элита уруғчилик фермер хўжалигининг жами экин майдони _____ га.

Шундан: пахта майдони _____ га.

20 _____ йилда уруғлик пахта хом ашёсини жамғариш режаси _____ ц/га.

Уруғлик пахта хом ашёсидан қўшимча жамғаришга келишилди, жумладан:
элита _____ ц/га, биринчи авлод _____ ц/га.

Элита майдонни экишни бошлаган ва якунлаган санаси _____,
биринчи авлодли майдонда _____.

_____ элита уруғчилик хўжалиги.

Элита уруғчилик хўжалиги
раҳбарининг Ф.И.О _____,

_____ ИМЗОСИ

Элита уруғчилик хўжалиги
агрономининг Ф.И.О _____,

_____ ИМЗОСИ

2-илова
“Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш
маркази” ДУКга тақдим этиш муддати
15 – ноябргача келган куни _____

**20__ йилда элита ва биринчи авлодли уруғлик материаллардан
ҳақиқатда жамғарилганлиги тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Элита хўжалик номи _____.

Ғўза нави _____.

I. Якка танлаш намуналаридан жамғарилган

Жами тайёрланган якка танлаш намуналари _____ дона.

Шу жумладан:

а) 2-йил уруғлик кўчатзоридан _____ дона.

б) уруғ кўпайтириш кўчатзоридан _____ дона.

Якка танлаш намуналари териб олинган оилалар сони _____ дона.

Якка танлаш намуналарининг миқдори _____ кг.

II. 1-йил уруғлик кўчатзоридан жамғарилган

Экилган оила сони _____.

Уруғлик материал териб олинган оила сони _____.

Жами териб олинган чаноклар сони _____ дона.

Ушбу чаноклар _____ дона ўсимликдан териб олинган.

Териб олинган пахта миқдори _____ кг.

III. 2-йил уруғлик кўчатзоридан жамғарилган

Экилган оила сони _____ дона.

а) Териб олинган синов намуналари _____.

Синов намуналарининг миқдори _____ кг.

Б) Териб олинган оилалар _____.

Оилавий теримнинг пахта миқдори _____.

IV. Уруғ кўпайтириш кўчатзоридан жамғарилган. (элита)

Экилган оилалар сони _____.

Тайёрланган оилалар сони _____.

Элита пахта миқдори тн _____.

Жамғарилган уруғлик пахта хом-ашёси

	Партия рақами	Пахтани қабул қилишдаги синфи	Вазни, тн	Жамғарилган муддатидан.....гача

Элита _____.

Биринчи авлод _____.

Терим бошланди ва тугади:

А) якка танлаш намуналари _____.

Б) синов намунаси _____.

В) оилавий терим 1-йил уруғлик кўчатзорида _____.

Г) оилавий терим 2-йил уруғлик кўчатзорида _____.

Д) элита _____.

Ж) биринчи авлод _____.

Уруғ кўпайтириш кўчатзорлар майдонларида чилпиш ишлари амалга оширилганми ва қанча майдонда? _____.

Кўчатзорлар ва биринчи авлод уруғлик майдонларида дефоляция ишлари ўтказилганми? _____.

Ушбу тадбирлардан бири ўтказилган бўлса, қайси кўчатзорларда ва қанча майдонда ўтказилган _____.

**Ўтган йиллардан қолган кўчатзорларнинг қолдиқ миқдори тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Жамғарилган йил	Вўза нави	Якка танлаш намуналари		1-йил уруғлик кўчатзори		2-йил уруғлик кўчатзори	
		сони, дона	вазни, кг.	Оила сони	вазни, кг.	Оила сони	вазни, кг.

Элита уруғчилик хўжалиги раҳбари _____ имзоси

**20__ да элита уруғлик етиштириш кўчатзорларида ўтказилган дала
кўриклари тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

1. Биринчи йил кўчатзориди ўтказилган дала кўриклари натижалари

Элита хўжалик номи _____
 Ғўза нави _____
 Экилган оилалар сони _____
 Қатордаги уялар сони _____
 Режа бўйича ўсимлик сони _____
 Ҳақиқатда ўсимлик сони _____
 Сийраклик даражаси % _____
 Гуллашнинг бошланиш муддати _____
 Дала кўрикларини ўтказиш муддатлари 1. _____
 2. _____
 3. _____

Дала кўриклари натижасига кўра қуйидагича яроқсизга чиқарилди:

Яроқсизга чиқарилганлик сабаблари	1-дала кўриги			2 – 3 дала кўриги			Жами яроқсизга чиқарилди							
	Жами яроқсизга чиқарилди			Жами яроқсизга чиқарилди			Оилалар		Оиладаги ўсимликлар		Яроқсиз бўлмаган оиладаги ўсимликлар		Жами ўсимлик	
	Оила	%	Яроқсиз бўлмаган оиладаги ўсимлик сони	Оила	%	Яроқсиз бўлмаган оиладаги ўсимлик сони	Сони	%	Сони	%	Сони	%	Сони	%
Нотишклиги														
Бепушглиги (стерильность)														
Касалликларга чалингалиги бўйича:														
Вилт														
Гоммоз														
Зарақундалар билан зарарланганлиги бўйича:														
Шира														
Трипс														
Ўргимчак кана														
Кўсак қурти														
Агротехника бўйича:														
Сийраклиги														
Айри похланиши														
Чанқаб қолганлиги														
Кам ҳосиллиги														
Кеч пишарлиги														
Ғовлаб кетганлиги														
Жами:														

Уруғлик пахта тайёрлаш учун қолдирилган оилалар сони _____

2. Иккинчи йил кўчатзорида ўтказилган дала кўриклари натижалари

Экилган оилалар сони _____.

Қатордаги уялар сони _____.

Оиладаги ўртача қаторлар сони _____.

Режа бўйича ўсимлик сони _____.

Ҳақиқатда ўсимлик сони _____.

Сийраклик даражаси % _____.

Гуллашнинг бошланиш муддати _____.

Дала кўрикларини ўтказиш муддатлари 1. _____

2. _____

3. _____

Яроқсизга чиқарилганлик сабаблари	1-дала кўриги			2 – 3 дала кўриги			Жами яроқсизга чиқарилди							
	Жами яроқсизга чиқарилди			Жами яроқсизга чиқарилди			Оилалар		Оиладаги ўсимликлар		Яроқсиз бўлмаган оиладаги ўсимликлар		Жами ўсимлик	
	Оила	%	Яроқсиз бўлмаган оиладаги ўсимлик сони	Оила	%	Яроқсиз бўлмаган оиладаги ўсимлик сони	Сони	%	Сони	%	Сони	%	Сони	%
Нотиқлиги														
Бепуштлиги (стерильность)														
Касалликларга чалинганлиги бўйича:														
Вилт														
Гоммоз														
Заракундалар билан зарарланганлиги бўйича:														
ПШира														
Трипс														
Ўргимчак кана														
Кўсак қурти														
Агротехника бўйича:														
Сийраклиги														
Айри шохланиши														
Чанқаб қолганлиги														
Кам ҳосиллиги														
Кеч пишарлиги														
Фовлаб кетганлиги														
Жами:														

Уруғлик пахта тайёрлаш учун қолдирилган оилалар сони _____.

3. Уруғ кўпайтириш кўчатзорида ўтказилган дала кўриклари натижалари

Экилган оилалар сони _____.

Экиш майдони (га) _____.

Режа бўйича ўсимлик сони _____.

Ҳақиқатда ўсимлик сони _____.

Сийраклик даражаси % _____.

Дала кўрикларини ва нав тозалаш ишларини ўтказиш муддати:

1. _____

Дала кўриклари натижасига кўра қуйидагича яроксизга чиқарилди:

Яроксизга чиқарилганлик сабаблари	Жами яроксизга чиқарилди			
	Оилалар			Яроксизга чиқарилмаган оилалардаги ўсимликлар сони, дона
	сони	%	Сони,га	
Нотипиклиги				
Бепушглиги (стерильность)				
Касалликларга чалинганлиги бўйича:				
Вилт				
Гоммоз				
Зарақунданлар билан зарарланганлиги бўйича:				
Шира				
Трипс				
Ўргимчак кана				
Кўсак қурти				
Қора шира				
Айри шохланиши				
Агротехника бўйича:				
Жами:				

Уруғлик пахта тайёрлаш учун қолдирилган оилалар сони _____

4. Биринчи авлод

Режа бўйича экиш майдони _____ га, Ҳақиқатда экилган майдон _____ га.

_____ дан _____ гача нав тозалаш ишлари

олиб борилди ва _____ дона навга ҳос бўлмаган ўсимликлар олиб ташланди.

Апробация натижасига кўра нав тозалиги _____ %.

Элита уруғчилик хўжалиги раҳбари _____

(имзо)

М У Н Д А Р И Ж А

1.	I боб. Умумий қоидалар	3
2.	Якка танлаш усулида элита уруғларини етиштириш. II боб. Биринчи йилги уруғлик кўчатзори	7
3.	III боб. Иккинчи йилги уруғлик кўчатзори	9
4.	IV боб. Уруғ кўпайтириш кўчатзори	12
5.	V боб. Уруғлик пахта ва тола сифатини лабораторияда баҳолаш	13
6.	VI боб. Элита материални чиқитга чиқариш ва экишга танлаш	23
7.	VII боб. Навларни алмаштириш китобини (дафтарини) ва техник ҳисоботни олиб бориш	25
8.	VIII боб. Элита уруғчилик хўжаликларида ғўзанинг бирламчи уруғлик материалларини етиштиришни назорат қилиш	26
9.	1-илова. 20__ йилда ғўза навининг элита ва биринчи авлоди экилганлиги тўғрисида маълумот	28
10.	2-илова. 20__ йилда элита ва биринчи авлодли уруғлик материаллардан ҳақиқатда жамғарилганлиги тўғрисида маълумот ...	31
11.	Услубий қўлланма шакллари	37
12.	Услубий қўлланмага берилган тақризлар	53

**Синов намуналарининг тола узунлиги ўлчов тахталарда тахлил қилиш
ВЕДОМОСТИ**

5 – шакл

Оилалар тартиб рақами		
	-5	
	-4	
	-3	
	-2	
	-1	
	0	
	+1	
	+2	
	+3	
	+4	
	+5	
	+6	
	+7	
	+8	
	+9	
	+10	
		Ўртача узунликдан чекланиш йиғиндиси (+, -)
		Чекланиш фарқи
		Ўлчовлар сони
		Намуналар бўйича тола узунлиги, мм
		Намуна бўйича толанинг ўртача узунлиги, мм

НАВ АЛМАШТИРШ КИТОБИ
20_____йил учун

_____элита уруғчилик хўжалиги

Лаборатория агрономи _____
(исми, фамилияси, отасининг исми)

Республика _____

Вилоят _____

Туман _____

Хўжалик _____

**Биринчи ва иккинчи йил кўчатзорларидаги
агротехника, уруғлик кўпайтириш ва экиш бўйича
МА Ё Л У М О Т Н О М А**

Асосий кўрсаткичлар	Йил			Йил			Йил		
	биринчи йилги уруғлик кўчатзори	Иккинчи йилги уруғлик кўчатзори	уруғликни кўпайтириш	биринчи йилги уруғлик кўчатзори	Иккинчи йилги уруғлик кўчатзори	уруғликни кўпайтириш	биринчи йилги уруғлик кўчатзори	Иккинчи йилги уруғлик кўчатзори	уруғликни кўпайтириш
1. Экиладиган майдон, га.									
2. Ҳақиқатда экиладиган майдон, га									
3. Якка танлаш натижасида олиниб экилган оилалар сони									
4. Бошқа элита хўжалигидан келтирилган якка танлаш намунасидан олинган оилалар									
5. Экилган уруғ, кг									
6. Гибель (натижасида оилалар сони)									
7. Гибель (майдон, га)									
8. Яроксизга чиқарилган (натижасида оилалар сони)									
9. Яроксизга чиқарилган (майдон, га)									
10. Йиғим майдони (гибель натижасида, га)									

К ў ч а т з о р б ў й и ч а А г р о т е х н и к а

Ишнинг номи	Бажариш вақти
Ишнинг номи	Бажариш вақти

Якка танлаш намунасининг характеристикаси

Асосий сифат кўрсаткичлар	20 й	20 й	20 й
1. Жами тайёрланган намуналар сони			
2. Экишга танлаб олинган намуналар			
3. Оилалар бўйича яроксизга чиқарилган намуналар			
4. Тола узунлиги бўйича, мм			
5. Тола чиқиши бўйича, %			
6. Морфологияси бўйича			
7. Уруғ оғирлиги бўйича			
8. Заҳирага қолдирилган намуна			
9. Намунанинг келиб чиқиши			

Якка танлаш намунасида ўртача сифат характеристикаси

	20 й	20 й	20 й
1. Уруғлик намунасининг ўртача оғирлиги, гр			
2. Ўртача тола узунлиги, мм			

**Навларнинг ҳосилдорлиги ҳақида
МА Ё Л У М О Т Н О М А**

Кўрсаткичлар	Ўл.бирлиги	Элита экиш				Биринчи авлод экилиши
		жами	биринчи йил уруғлик кўчатзори	иккинчи йил уруғлик кўчатзори	Уруғ кўпайтириш кўчатзори	
Режа бўйича экиш майдони	га					
Ҳақиқий экин майдони	га					
Жами терилган уруғлик пахта	цн					
Шу жумладан якка танлашда	цн					
Назорат намунаси	цн					
Уруғлик пахтанинг ҳосилдорлиги	ц/га					
Жами терилган техник пахта	цн					
Охирги терилган пахта	цн					
Шартнома бўйича ҳосилдорлик	ц/га					
Пахтанинг ҳақиқий ҳосилдорлиги	ц/га					
Пахта режавий ҳосилдорлигини бажарилиши	%					
Уруғликнинг режавий ҳосилдорлиги	ц/га					
Уруғлик ишлаб чиқариш режаси	цн					
Ҳақиқатда уруғлик	ц/га					
уруғлик режасининг бажарилиши	%					
Уруғлик кўпайтириш коэффициенти	%					

**Элита ва биринчи авлод майдонидан терилган уруғлик пахтани тозалаш хақида
М А Ъ Л У М О Т Н О М А**

Кўрсаткичлар	Ўл.бирлиги	Оилалар бўйича терим		Уруғ кўпайтириш		Биринчи авлод	
		1-йил кўчатзор	2-йил кўчатзор	Партия №	Партия №	Партия №	Партия №
Пахтанинг саноат нави							
Уруғлик пахта тозалашга қабул қилинди	цн						
Тозалашдан кейин тола олинди	цн						
Тола чиқиши	%						
Тола узунлиги	мм						
Узилиш кучи	г/с						
Тола нафислиги	мтекс						
Тола пишиқлиги	км						
Уруғлик қабул қилиш	цн						
Уруғнинг унувчанлиги	%						
Уруғнинг ўсув қуввати	%						
Уруғнинг туклиги	%						
Ифлосланганлик	%						
1000 дона чигитнинг соф оғирлиги	гр						
Тозалаш санаси							
Уруғлик таҳлил қилинган сана							

20_____йил учун экиш режавий тартиби (чизмаси)

Кўрсаткичлар	биринчи йил уруғлик кўчатзори	иккинчи йил уруғлик кўчатзори	Уруғ кўпайти- риш	жами
Майдони, га				
Оилаларнинг умумий сони				
Шундан:				
а) ўзида тайёрланган уруғлик				
б) бошқа элита хўжалиқдан олинган				
Қатор узунлиги, метр				
Уялар орасидаги масофа, см				
Қатор оралиғи, см				